

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМУРОВА ГЎЗАЛ ХОТАМОВНА**

**ЗУЛФИЯ БАДИИЙ ОЛАМИ ВА ПОЭТИК МАКТАБИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологических наук  
(DSc)**

**Content of Dessertation Abstract of Doctor of Philological Science (DSc)**

**Умурова Гузал Хотамовна**

Зулфия бадий олами ва поэтик мактаби ..... 3

**Умурова Гузал Хотамовна**

Художественный мир и поэтическая школа Зулфии ..... 29

**Umurova Guzal Khotamovna**

Zulfiya's literary lifetime and poetic school ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 62

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМУРОВА ГЎЗАЛ ХОТАМОВНА**

**ЗУЛФИЯ БАДИИЙ ОЛАМИ ВА ПОЭТИК МАКТАБИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2019.2.DSc/Fil165 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ҳасанов Шавкат Аҳадович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Тўраев Дамин**  
филология фанлари доктори, профессор

**Каримов Наим**  
филология фанлари доктори, академик

**Ҳамдамов Улуғбек**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси , филол.ф.д. профессор

**А.Б.Пардаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**А.И.Маматов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол. ф.д.профессор.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида муайян давр адабиётида муҳим ўрин тутган, ўзига хос ёрқин ижод услубига эга бўлган йирик адабий сиймоларнинг бадиий-эстетик оламини ўрганиш ҳамда уларнинг дунё халқлари тамаддуни ва бадиий тафаккури тарихидаги аҳамиятини очиқ бериш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган ва методологик асослари яратилган. Бинобарин, жаҳон маданияти ва тарихининг ажралмас қисми бўлган бадиий адабиётни, унинг етук вакиллари ижоди тадқиқи бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Замонавий жаҳон адабиётшунослигида янгича услуб ва ёндашувлар, адабий-эстетик тамойилларнинг изчил такомиллашуви натижасида бадиий тафаккурнинг тадрижий ривож билан боғлиқ илмий концепциялар адабиётшунослик соҳаларининг тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналади.

Ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослиги илм-фаннинг ҳозирги тараққиёт босқичида, бадиий асарга турли методологиялар асосида ёндашишга, алоҳида олинган ижодкор бадиий оламининг ўзига хосликларини, унинг бадиий-эстетик принципларини белгилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар жиҳатдан ўзгарувчан воқеликнинг ўзи бадиият намуналаридаги ҳали очилмаган қирраларни, илганмаган жиҳатларни мушоҳада қилиш кераклигини шарт қилиб қўймоқда. Тадқиқотни худди шу тамойиллар асосида бажариш, олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларга мослаш ва бу орқали замонавий дунё адабиётшунослиги эришган ютуқлар, янгича илмий концепцияларга асосланган кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш зарурати юзага келди.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётида Зулфия феноменини ўрганиш ва у яратган ижодий мактаб анъаналарининг замонавий ўзбек лирикасига таъсирини ойдинлаштириш юқори босқичга кўтарилди. Зулфия лирикаси XX аср воқелигини, унинг ички моҳиятини, шуларга асосланган бадиий талқинлари ва изланишларини тушуниб етиш имконини беради. Зулфия поэтик санъати нафақат адабий, балки ижод эркинлигини танлашга, баркамол шахсни шакллантиришга хизмат этадиган маънавий-руҳий озуқа манбаи ҳамдир. Зеро, "...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ"<sup>1</sup>. Ҳассос шоира, ўз даври адабиётининг ёрқин вакиласи бўлган Зулфия бадиий олами ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган илмий-назарий масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4-август.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Бугун ривожланаётган ахборот технологиялари асрида адабиёт, психология, фалсафа, эстетика каби фанлар инсон кечинмаларини чуқурроқ ва янгича изоҳлай бошлади. Бу борада кўнгил кечинмаларини назик тасвирлайдиган шеъриятнинг ўрни бекиёс. Шеърият ўзга онг қирралари каби ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб, инсоннинг қалб кечинмаларини, рухий-маънавий ҳаётини кардиограмма сингари аниқ қайд этиб борадиган ижод туридир. Ҳар бир ижодкор ҳаётни ўзига хос тарзда кўради ва талқин этади. Улар яратган шеърият намуналари, лирик қаҳрамон ўзи яшаб турган давр русумларига мувофиқ талқин этилади. Бу эса ўз навбатида инсон онгидаги янгиликлар, адабий ҳодисаларни қайта идрок этиш, уни ижтимоий онг ва адабиётшунослик илмининг бугунги мезонлари билан баҳолаш заруратини келтириб чиқаради. Зеро, адабиётшуносликнинг вазифаси бадиий асар моҳиятини илмий ўрганиш, тушуниш ва бошқаларга ҳам аниқлашдан иборатдир. Мана шу жиҳатдан поэтик мактаб ва унинг анъаналари жаҳоннинг етакчи марказлари ва олий таълим муассасаларида муҳим масалалардан бири сифатида ўрганиб келинмоқда. Жумладан, New York University, Georgetown University, University of Texas (АҚШ), Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Туркия), Cambridge University, Oxford University, Yale University (Англия), Praha: Institut sociálních vztahů, Univerzita Karlova (Прага); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да ушбу масалалар моҳиятини ўрганиш борасида тадқиқотлар яратилган.

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.uzh.ch/en.htm](http://www.uzh.ch/en.htm), [cleo@snu.ac.kr](mailto:cleo@snu.ac.kr), [www.bu.edu](http://www.bu.edu), [www.uv.es](http://www.uv.es), [www.ras.ru](http://www.ras.ru), [www.vsu.ru](http://www.vsu.ru), [www.education.ua/universities](http://www.education.ua/universities), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Жаҳон адабиётшунослигида поэтик мактаб ва унинг анъаналарини ўрганган Baym N<sup>3</sup>, (Н.Байм), Showalter E<sup>4</sup>, (Э.Шовлтер), V.Woolf<sup>5</sup> (В.Вульф), S.Chatman<sup>6</sup>, (С.Чатман), Cooper Lane (Л.Купер)<sup>7</sup>, D.C.Freeman (Д.С.Фриман)<sup>8</sup>, R.Wellek (Р.Уэллек)<sup>9</sup> каби олимлар ҳар бир адабий мактабнинг адабиёт ривожигаги ўрнини тайин этган тадқиқотлар яратишди.

Жаҳон адабиётшунослигида шеърятнинг ўзига хослиги бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ижодкорлар шеърятдаги ҳаётий-эстетик концепциялар, мотивларни ўрганиш; муайян асар таҳлили орқали ижодкор бадиий оламини кашф этиш; шоирнинг портрет яратиш маҳорати ва бадиий-функционал ўзига хослигини аниқлаш; бадиий талқинда руҳият тасвирини таҳлил этиш тамойилларини асослаш.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги индивидуал-ижодий тафаккурда муаллиф поэтикасидаги янгилик ва оригиналлик бадиий асарни баҳолашнинг муҳим шарти бўлиб қолаётир. Ишда систем бутунлик – Зулфия бадиий оламининг ижтимоий, психологик ва энг асосийси, бадиий қонуниятлари, ўзига хос сабаб-оқибат алоқаларига эга предметлик жиҳати ҳақидаги тасаввурларга таянилади. Бадиий оламини кенг маънода тушуниш нафақат лирик қаҳрамон ва унинг дунёқараши билан боғлиқ ҳислар (кўриш, эшитиш, образлилик ва ҳоказо) орқали тасвирланадиган воқеликни, балки ижодкор тафаккурига тегишли ҳаёлий мантиқ ва эмоционаллик типини ҳам қамраб олади. Шундай экан, нафақат матн – асарнинг сўзлар қатори, балки муаллифнинг ҳаёт, ўлим, муҳаббат каби адабий мавзулар ҳақидаги концепцияси хануз адабий талқинини кутаётган муаммолардандир.

Лирик кечинма манбаи ҳисобланадиган ҳис-туйғулар ифодаси, муаллиф ва лирик субъект ўртасидаги, китобхон тасаввуридаги ўзаро нисбат – бадиий олам тушунчаси В.Гумбольдт издошлари, айниқса, А.Потебня, А.Н.Соколов, Г.Н.Поспелов, О.Уоррен, Р.Уэллек илмий асарларида<sup>10</sup> алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Бадиий асарни яхлит сўзга қиёслар экан, А.Потебня образнинг маъно-мазмун ифода плани ҳамда моҳият (таркибий мазмун) плани эвазига яратилишини кўрсатиб берди ва бир образнинг турлича талқин этилиши қонунийлигини, асарнинг кўп маънолилигини асослади. Шунингдек, 1978 йилда америкалик тадқиқотчи Нина Бейм

---

<sup>3</sup>Baym N. Woman's fiction: F guide to novels by a. about women in America, 1820-1870.- Nhaga; -London: Cornell unif. press, 1978. – 320 p.

<sup>4</sup>Showalter E. Women who write are women.- Nev York times book, rev., 1984. Dec.16.-P.1-31.

<sup>5</sup>Rigney B.H. A wreath upon the grave? The influence of Virginia Woolf on feminist critical theory// Criticism and critical theory.- L.: Arnold, 1984.-P. 73-82.

<sup>6</sup>http:// [www.scopus](http://www.scopus). On The Theory of Literary Style. Linguistics, Vol. 4, Issue: 27, 1966, pp. 12-25.

<sup>7</sup>http:// [www.scopus](http://www.scopus).Theories of Style, New York: The Macmillan Company, 1907.

<sup>8</sup>Freeman, D.C., ed. (1970) Linguistics and Literary Style. New York: Holt, Reinhart and Winston, Inc.

<sup>9</sup>Nominal and Verbal Style. In Style in Language; ed. by T. A. Sebeok. New York/London: John Wiley and Sons. pp. 1960. 213-220.

<sup>10</sup>Потебня. А.А. Теоретическая поэтика. – М, 1990.,Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва: 1968., Поспелов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики. – Москва: 2003., Уоррен О., Уэллек Р. Теория литературы. – Москва: Прогресс, 1987.

«Аёллар адабиёти»<sup>11</sup> номли ишини чоп этди. Унда XIX асрнинг ўрталарида катта машҳурликка эга бўлган, бироқ кейинчалик исмлари актуаллигини йўқотган аёл ижодкорларнинг асарлари таҳлил қилинган. Булар Кэтрин - Мария Седжвик, Сара Хейл, А.Дж. Грейвс, Мария Макинтош, Эмма Саутуорт ва Каролина Ли Хенц, Мари Каминс ва Мариам Коулс Харрис. Юқоридаги ижодкорларнинг асарлари таҳлил қилиш борасида Нина Бейм «аёллар романининг» ўзига хос типологик хусусиятларини кашф этди. Адабиётшуносликда «Аёллар адабиёти» борасидаги кузатишлар «Аёллар адабиётшунослиги» терминологик тушунчани юзага келтирди. Бу фан ҳали тараққиёт даврини ўз бошидан кечирмоқда. «Аёллар адабиётшунослигига» муносиб ҳисса қўшган инглиз адибаси Вирджиния Вульф<sup>12</sup> саналади. Худди шундай ўзбек адабиётида поэтик мактаб яратган аёл ижодкор сифатида биз шоира Зулфияни тилга оламиз.

Зулфия шеърияти шу йўналишдаги тадқиқотлар учун бой манба ҳисобланади. Гарчи у ҳақида А.Олимжон<sup>13</sup>, О.Икромов<sup>14</sup>, Ғ.Мусина<sup>15</sup>, М.Султонова<sup>16</sup>, Л.Қаюмов<sup>17</sup>, Н.Каримов<sup>18</sup>, И.Ғафуров<sup>19</sup>, А.Ақбаров<sup>20</sup>, Ҳ.Ҳасанова<sup>21</sup>, О.Шарафиддинов<sup>22</sup>, Ҳ.Умуров<sup>23</sup>, О.Ҳожиева<sup>24</sup>, М.Улугова<sup>25</sup>, Н.Жабборов<sup>26</sup>, Д.Тўраев<sup>27</sup> каби олимлар ва ижодкорларнинг қатор тадқиқотлари мавжудлиги ва бир нечта номзодлик диссертациялари<sup>28</sup> ёқланганига қарамай, шоиранинг бадиий олами – шеъриятининг бетакрор

<sup>11</sup>Baym N. Woman's fiction: F guide to novels by a. about women in America, 1820-1870.- Nhaga; London: Cornell unif. press, 1978. – 320 p.

<sup>12</sup> Rigney B.H. A wreath upon the grave? The influence of Virginia Woolf on feminist critical theory// Criticism and critical theory.- L.: Arnold, 1984.-P. 73-82.

<sup>13</sup>Олимжон А. Шоира Зулфия. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953.

<sup>14</sup>Икромов О. Шоира Зулфия. – Тошкент: ЎЗДУ асарлари, янги серия №63, Самарқанд, 1956., Икромов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

<sup>15</sup>Мусина Ғ. Зулфиянинг ижодий йўли. – Тошкент:Ўзадабийнашр, 1971.

<sup>16</sup>Султонова М. Шоира Зулфия. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965, Султонова М. Зулфиянинг лирикаси // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1961, -№ 3. –Б.14., Султонова М. Ижодкор лабораториясидан // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1985. -№6. –Б.19.

<sup>17</sup>Қаюмов Л.Зулфия. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

<sup>18</sup>Каримов Н.Зулфия. Маърифий биографик асар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.

<sup>19</sup>Ғафуров И. Зулфия сиймоси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2015. -№1. –Б.114-120.

<sup>20</sup>Ақбаров А. Зулфия. – Тошкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1975.

<sup>21</sup>Ҳасанова Ҳ. Аёл қалбининг куйчиси. - Тошкент: «Фан», 1975; Мактабда Зулфия ижодини ўрганиш.- Тошкент: Ўқитувчи,1991.70 б.

<sup>22</sup>Шарафиддинов О. Сизни соғиндим, Зулфия опа! – Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004, 367-374 –б.

<sup>23</sup>Умуров Ҳ. Қўш қанот сеҳри. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, Умуров Ҳ. Шеърият маликаси. – Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2015,

<sup>24</sup>Ҳожиева О. Тўрт танҳо.- Тошкент: «Ўзбекистон», 2013.

<sup>25</sup>Улугова М. Муҳаббат саройида мангу қолганлар. - Тошкент: «Nihol», 2010, Улугова М. Баҳор келди сени сўроқлаб. Тошкент: «Sharq», 2015.

<sup>26</sup>Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.

<sup>27</sup>Тўраев Д. Ҳаёт ва сюжет. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 124. Тўраев Д. Мумтоз ижод сабоқлари. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б.64.То'raev D. Sadakatin Nabercisi. Turkiya. Kardeskalemler, 2016, 89-92-b.

<sup>28</sup>Маматова Х.Н. Переводческое мастерство поэтессы Зулфии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук, - Тошкент: 1980., Умурова Г. Зулфия ижоди ва рус адабиёти (таржима, танқид, англаш). Фил.фан.номз.дисс. С., 2004.



гўзаллигини адабиётшуносликнинг ҳозирги парадигмаси ўзанида атрофлича текшириш, поэтик мактабининг ўзбек адабиётида тутган ўрнини белгилаш масаласи кун тартибда турибди. Бундан ташқари Зулфия асарлари ўзбек тилшунослигида ҳам ўрганилмоқда. Жумладан, Р.Қ.Қўнғуров, С.А.Каримовлар томонидан “Зулфия поэзияси тилининг луғати”<sup>29</sup> ишлаб чиқилди. У ўзбек тилшунослигида шоир ва ёзувчилар тилини ўрганишга бағишланган дастлабки лексикографик ишлардан ҳисобланади.

Зулфия шеърияти ҳиссий таъсирчанлиги, туйғулари розининг оригиналлиги, мушоҳада ва ифода тарзининг ўзига хослиги билан бетакрордир. Айниқса, ижодининг умумбашарийлиги ва замонавийлигини, асарларида садоқату вафо туйғулари инсонийликнинг бош мезони даражасига кўтарилганлигини кашф этиш ҳамон долзарбдир. Зулфия янги давр аёллар шеъриятининг маншаида туриб XX аср ўзбек адабиётининг аёл шоирлари поэтик мактабини яратди. Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиева, Г.Жўраева, Э.Охунова ва яна бошқа кўплаб шоирлар Зулфия ижодининг давомчилари саналадилар. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда муайян шоир шеърларининг алоҳида ўзига хослигини ўрганиш билан боғлиқ қатор муаммолар ва уларнинг натижалари бугунга қадар яхлит ҳолда умумлаштирилмаганлиги кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, Зулфия бадиий олами тур спецификаси – лирик асар дунёси нуқтаи назаридан адабий-назарий муаммо сифатида яхлит ўрганилмаган. Уни алоҳида концепция сифатида ўрганиш назарий поэтиканинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

**Диссертация мавзусининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Адабий тур, жанрлар ранг-баранглиги ва поэтикаси” мавзуси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Зулфия бадиий олами ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида яхлит, тизимли тадқиқот яратиш ҳисобланади. Шоира шеърларининг таҳлили орқали ижодкор олами, бадиий асар дунёси ва лирик қаҳрамон табиати, лирик характер шаклланишига замин яратадиган манбаларнинг роли каби қатор масалаларни тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Зулфия лирикасидаги мотивлар кашфи ва унинг ижодкор шахсини белгилашдаги вазифасини аниқлаш;

Зулфия адабий-эстетик қарашларини умумлаштириб, яхлит назарий ҳодиса сифатида асослаш;

Зулфия талқинидаги лирик қаҳрамон ва лирик кечинманинг ўзига хос қирраларини таҳлил қилиш;

Зулфия поэтик мактаби мисолида қатор шоирларнинг бадиият бобидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таққослаш.

---

<sup>29</sup> Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А. Зулфия поэзияси тилининг луғати (Конкорданс). – Тошкент: «Ўқитувчи», 1973. – Б.273.

**Тадқиқотнинг объекти.** Зулфия қолдирган бой ижодий мерос тадқиқот объекти ҳисобланади. Диссертацияда шоира шеъриятидаги ҳаётӣ-эстетик концепциялар, мотивлар ўрганилиши орқали асар таҳлилининг алоҳида ижодкор бадиий оламини тайин этадиган усул ва тамойиллари ишлаб чиқилган. Назарий ҳолатлар асосан Зулфия “Сайланма”сидаги шеърларга нисбатан қўлланади. Шоирага замондош ва елкадош бўлган О.Ҳожиева, Ҳ.Худойбердиева, Қ.Раҳимбоева, Х.Бобомуродова сингари ижодкорлар ҳамда айрим чет эл шоираларининг асарлари муқояса учун тадқиқотга жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предметини** Зулфиянинг бадиий олами, эстетик қарашлари, поэтик мактаби ва мутаржимлик маҳорати масалалари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Бадиий матн тадқиқини текширишда қиёсий-тарихий, структурал, биографик таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Зулфия бадиий услубининг анъанавий тушунчалар тизимидаги ўрни, назарий поэтикадаги мазмун, шакл, образ каби терминлар билан ўзаро муносабати илмий-назарий жиҳатдан далилланган;

“ижодкор бадиий олами” термини билан тавсифланадиган ҳодисанинг моҳияти, шоира бадиий олами тўғрисида яхлит, тизимли концепция, лейтмотивлар тизими аниқланган;

Зулфиянинг бадиий, илмий, публицистик, шахсий ёзишмаларига ягона матн сифатида ёндашилиб, ижодий портрети ва эстетик қарашларидаги уйғунлик илмий асосланган;

шоира лирикасида қуйланган адабий мавзу ва поэтик ғоялар, анъанавий мотив ва шеърӣ туркумлар, Зулфия поэтик оламининг рангин қирралари очиб берилган;

шоиранинг ўзбек шеърӣятида илк бор “Аёллар адабиёти”га асос солганлиги, поэтик мактаб яратганлиги ва унинг бугунги шеърӣят ривожига қўшган ҳиссаси асосланган;

шоиранинг ижодий эволюциясида психологик-руҳий жараёнларнинг, адабий таъсир ва бадиий таржиманинг ўрни, таржимада талқин, таҳлил ва поэтик идрок хусусиятлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Илмий тадқиқот натижалари замонавий ўзбек шеърӣяти ва умуман бадиий адабиёт оламини янгича йўналишда тадқиқ этишда, ижодкор бадиий олами ва поэтик услуби, дунёқараши ва ғоявийлик, эстетик идеал ва лирик “мен” масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб боришда, шеърӣят поэтикасини теран идрок этишда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Шоира Зулфиянинг эстетик олами, поэтик маҳорати ҳамда адабий мактаби борасида чиқарилган илмий-назарий қарашлар ҳозирги ўзбек адабиёти, адабий жараён, адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг бирламчи илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, шеър таҳлили қиёсий-тарихий, структурал, биографик методлар кўмагида асосланганлиги, назарий хулоса ва сабоқларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зулфия бадиий олами ва поэтик анъаналарининг ўзбек шеъриятида тутган ўрни, ўзига хослиги яхлит монография ҳолида махсус тадқиқ қилиниб, илмий-назарий хулосаларга келинганлиги билан белгиланади. Диссертация натижалари поэтика муаммоси бўйича тадқиқотлар базасини тўлдиради, поэтик олам масаласини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида “Адабиёт назарияси”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Ҳозирги адабий жараён” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга, ўзбек шеърияти, таржимашуносликнинг назарий масалалари бўйича ихтисослик фанларининг мазмун- моҳиятини тўлдиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зулфия бадиий олами ва поэтик мактабини тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий - назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

тадқиқотнинг халқ оғзаки ижоди намуналари, мифологик образлар, урф-одатлар орқали миллий қадриятларимизни анъанавий шеъриятда ифодалаш каби хулосаларидан ХТ-Ф2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 89-03-1019-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек халқ дostonлари таркибида учрайдиган меҳр-муҳаббат, садоқат каби туйғуларнинг шоира Зулфия ижодидаги талқинларининг моҳиятини ёритишга хизмат қилган;

Зулфия шеъриятининг бадиий тили, унинг иборалардан, бадиий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳорати масалалари 2008-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062-рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 апрелдаги №89-03-1472-сон маълумотномаси). Натижада, Зулфия таржималарида ўзбек тили луғат бойлигининг воқеланиши ҳамда баҳор, севги, муҳаббат, айрилиқ, аёл, оила каби лексемаларининг қўлланилиши ўз ифодасини топган;

шоира Зулфия шеърларидаги вафодорлик ва садоқат туйғусини – инсонийликнинг бош мезони даражасига кўтаришга оид хулосаларидан 2003-2007 йилларда бажарилган 5.1.17-рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 89-03-1778-сон маълумотномаси). Натижада, Зулфия ижодидаги вафо, садоқат, меҳр-оқибат каби ғояларнинг поэтик ифодаси инсонни маънан юксалтирувчи, комиллик

сари етакловчи ғояларни ўзида мужассамлаштирган шеърӣ асарлар моҳияти очилган;

Зулфия шеъриятидаги қатор мотивлар, лирик қаҳрамон қалбининг макон ва замон, жонли ва жонсиз мавжудотлар, инсон ва табиат ўртасидаги турфа қирраларни намоён қилган жиҳатлар Тожикистон республикаси академик Б.Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети Ўзбек филологияси факультетида 2015 – 2020 йилларга мўлжалланган “Ўзбек ва тожик адабий алоқаларини ўрганиш: анъана, маҳорат ва янгилик масалалари” мавзусидаги истиқбол режасида фойдаланилган (Тожикистон Республикаси академик Б.Ғафуров номидаги Хужанд давлат университетининг 2019 йил 28 августдаги 01/4382–сон маълумотномаси). Натижада, факультетнинг “Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасидаги “XX аср адабиёти” ихтисослиги фанини ўқитишда тадқиқотдаги таҳлилга тортилган Зулфия шеърияти ва ундаги ўзига хос жиҳатлар, образлар олами, мотивлар концепцияси таҳлил қилинган;

Зулфия шеъриятида мифологик образларнинг қўлланилиши ҳақидаги хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 89-03-1019-сон маълумотномаси). Натижада шоира шеъриятида айрилиқларни, орадаги масофа ва тўсиқларни енгишнинг асосий шакли бўлиб, лирик қаҳрамоннинг йироқдагилар билан хаёлий суҳбати кабиларни талаба ёшларга асослаб беришга хизмат қилган;

Зулфия бадиий олами ва поэтик мактаби, унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида телетомошабинларга маълумотлар бериш мақсадида диссертация материалларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Самарқанд” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 15 мартдаги №09-01/117-сон маълумотномаси), шунингдек, вилоят радиоси орқали “Самарқанд садоси” дастурида фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 апрелдаги №09-01/138-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттирув мазмун-мундарижасининг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган;

шоира Зулфия шеъриятининг ўзига хос жиҳатлари хусусида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги ёш ижодкорларига маърузалар қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 3 майдаги №06-03/485-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тўғарак аъзолари бўлган ёш ижодкорларнинг шоира Зулфия поэтик мактабининг моҳиятини теранроқ англашларига кўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 249 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Зулфия ижодий портрети ва эстетик қарашларининг уйғунлиги”** деб номланган. Унинг биринчи фаслида *“Шоир ижоди ва адабий-эстетик тафаккур”* масаласи тадқиқ этилган.

Структур адабиётшунослик нуқтаи назаридан матн китобдан фарқли равишда алоҳида ва кенг қамров тушунча. Ижодкорнинг ҳаёти давомида ёзган илмий, бадиий, публицистик, шахсий ёзишмаларининг барчаси ягона матн ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам тадқиқотимизда Зулфия ижодига шундай ёндашишга ҳаракат қилдик.

“20-30 шеър ёзиб, газета-журналларда бостирган одам, – шоир бўлавермайди, албатта, – дейди Зулфия ўз таржимаи ҳолида. – Буни ёшликда англаш қийин. Мен ҳам кўп ёздим, шеърларимда маълум адабий ташбеҳлар такрорланаётганини пайқамасдим. Шу боис биринчи тўпламимни таваккал *“Ҳаёт варақлари”* деб атаганман”<sup>30</sup>. Биринчи китобнинг муваффақияти ёш шоирани янада ишлашга ундади. У халқ қалбига, китобхонлар кўнглига йўл топиш учун ҳали анчагина бадиият сирларини ўрганиш кераклигини юракдан ҳис қила борди.

Таникли рус шоираси Марина Цветаева: *“Шеърят – энг кам сўз билан ифодалаш санъатидир”* деб ёзган эди. Бошқирд шоири Муса Ғали эса ўз шеърларининг бирида шеърятни софлик, қудрат ва жасорат деб атаган.

Зулфия қаламкаш дўстларининг шеърят ҳақидаги бу сўзларини шарҳлаб, *“ҳақиқатан ҳам, жасорат йўқ жойда шеърятни пайқамайдилар ҳам, қудрат йўқ жойда эса шеърят ҳам йўқдир. Шеърятнинг ана шу фазилатлари ўзаро қаттиқ алоқадор, ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо*

---

<sup>30</sup>Зулфия. Асарлар. 3-жилд. Камалак. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 125-126.

этади”, дейди. У шеъриятнинг мангу жозиба қудратини ана шу уч нарсада – софлик, қудрат ва жасоратда кўради”<sup>31</sup>.

Зулфия наздида лирика шоирдан жуда катта самимият ва меҳнатни талаб қилади. Ҳар бир шеърий асарнинг вужудга келишида юракнинг иштироки ниҳоятда фаол бўлиб, у – шоир юраги – асарнинг ҳар бир хужайрасига қон ва жон бағишлаб туради. Шу билан бирга бу юрак, айти пайтда, кўпчиликнинг орзу ва интилишларини, дард ва изтиробларини ҳам ифодалай олиши, улар билан пайваста бўла олиши талаб этилади. Шундагина, ҳаётий туйғулар замирида воқе бўлган, чуқур фикр ва самимий ҳиссиётлар эвазига яратилган шеър китобхоннинг қалбидан жой олади, унга руҳий ва эстетик озиқ беради, унинг илҳом манбаига айланади.

Адабиётшунос Иброҳим Ғафуров Зулфия ижодини янгича илмий қарашларда ўрганар экан, шоира истеъдодини шакллантирган омилларга “туғма ақлий тузилма”, “туғма ғоя” каби янги илмий терминлар билан ёндашади<sup>32</sup>.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Зулфиянинг ҳар бир шеъри – ўзига мос тарих. Шоиранинг шеъриятини ўқиган инсон, ҳар бир шеърда Зулфиянинг асар яратишга сабаб бўлган нозик дил торларини англаб олади. Бутун ҳаёти давомида учраган ёруғ, муҳаббатга лиммо-лим, қувончу шодликларга тўла кунларни, аянчли, ғам-андух, айрилиқ дамларни ҳиссиётларга кўшиб қоғозга туширган сатрлари шоиранинг турмуши, ҳаёти қандай кечганидан далолат беради.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида *“Зулфия шеърияти ва эстетик қарашларидаги ҳамоҳанглик”* масаласига диққатимизни қаратдик.

Эътибор берилса, XX аср ўзбек поэзиясида жаҳон шеърий мактабларининг ўрни ва таъсири беқиёс. Булар адабий алоқаларнинг мустаҳкамланишида ёрқин намоён бўлган. Шоира Зулфия ижодининг поэтик олами ва эстетик қарашлари ҳам мазкур жараённинг бир ҳалқасини ташкил этади. Негаки, ижодкор ўз даврининг комил фарзанди. Ўзи яшаб турган ижодий муҳит сувратидан эстетик қарашлари шаклланади. Устозлари бошлаб берган салмоқли ишлар, кейинги авлод назаридан изсиз ўтмайди. Буларни давом эттирганлиги учун бугунги адабий жараён ўзига керакли ва муҳим жиҳатлардан ибрат олишда давом этмоқда.

Гавҳар маржон каби ялтираб турса,

Мени ҳам ўрайди шеърий ҳаяжон!

Қуёшни қаршилаб чиқиб айвонга,

Нурларга кўмилиб юраман шодон”<sup>33</sup>.

Куз поэтик образ даражасига кўтарилган мазкур парчада лирик қаҳрамоннинг кайфияти шодлик ва хуррамликни акслантирмоқда. Ҳиссий бўёқдорлик бўртиб кўринган ушбу шеър моҳиятида лирик образ – куз зийнати мушоҳада сахнига олиб чиқилган. Идрок ва тушунча қаърида туйғулар реализми инкишоф қилинади. Шоира бир дам бўлса ҳам ўқувчи

<sup>31</sup>Зулфия. Адабий ўйлар. – Тошкент: «Фан», 1985. – Б. 4.

<sup>32</sup>Ғафуров И. Зулфия сиймоси // Шарқ юлдузи, 2015, №1. – Б. 114-120.

<sup>33</sup>Зулфия. Йиллар садоси. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат» нашриёти. 1995. 91-бет.

олдидаги самимиятини пинҳон тутмайди, аксинча рўй-рост изҳор қилишни мақсад қилади. Булар шеърнинг доимий қоидаларини маромида ифодаланганида аниқроқ кўринади. “Товусдай безанган дарахт боғлари” ташбеҳининг кузга ишораси ўзига хос сифат даражасини юзага келтирган. “Олтин куз” номли шеърнинг кечинма таркибида ўнлаб муқоясаларини оригинал инкишоф қилишга эришган. Жумладан, “нурларга кўмилиб юраман шодон” бирикмасида шоира кайфиятининг рангинлигини, ҳаётга орзулар негизида қарашини, борлиқнинг таскини – умид эканлигини англаш қийин эмас.

Хуллас, Зулфиянинг эстетик қарашлари ижодкор бадиий тафаккурига муайян таъсир кўрсатадиган муҳим восита саналади. Зулфия ижодий портрети ва эстетик қарашларининг яхлитлиги асарларидан келиб чиқадиган мазмунда билиниб туради. Шоира Зулфия адабий-эстетик қарашларининг асосини ташкил қиладиган шеър, шоир, илҳом, истеъдод, талант ҳақидаги қарашлари адабиёт остонасига илк қадамларини қўяётган ижодкорлар учун дастуриламал вазифасини бажариши, шубҳасиз.

Адабий-танқидий тафаккур ривожига Зулфиянинг адабий ўйлари, бадиий ижод, шеър руҳи ва техникасига оид қарашлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Унинг ижод масъулияти ва шеърини асар устида ишлаш машаққати борасидаги қарашлари ижодкор шахсияти ҳамда ижод табиати муаммоларига аниқлик киритиши ғоят аҳамиятлидир.

Диссертациянинг “**Зулфия поэтик оламининг қирралари**” деб аталган иккинчи бобнинг биринчи фасли “*Адабий мавзу ва поэтик ғоя*” деб аталади. Фалсафада рационализм ва сюррационализм йўналишининг отаси француз файласуфи Башляр бирон санъаткор ўз ижодида маълум бир стихияли образларга мунтазам ва кўп мурожаат этаётган бўлса, бу унинг юрагида комплекс ҳаракат қилаётганлигини билдиради, деб ҳисоблайди. Шу комплекс топилса, бадиий асарни яхши тушуниш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, Зулфия кўйлаган адабий мавзулар ва илгари сурган поэтик ғоялар мажмуасини биз олдиндан маълум ўзаро мустақил ҳисоблана олмайдиган тўрт бўғинга ажратамиз. Кўплаб мантикий-ассоциатив ришталар ва параллеллар билан боғланган бу бўғинлар бир-бирларини ўзаро бойитадилар, қўллаб-қувватлайдилар, асослайдилар ва тўлдирадилар.

Маълумки, Зулфиянинг болалик ва ёшлик йиллари халқимиз ҳаётининг оғир ва фожиали даврларига тўғри келади. Шоиранинг оиласи, қариндош – уруғлари ҳам шу кулфатлар гирдобига эди. Бўлажак шоиранинг тасаввур дунёси ана шу муҳитда шаклланди. Шу боис тақдир зарбалари қаршисидаги қалбнинг ингроқлари бу шеърининг ўзагидан жой олди.

**А. Тақдир.** Одамнинг пешона ёзиғи – бахтсизлик ва омадсизлик; лоқайд ва шафқатсиз дунё заифлашган, индивидуал, улуғвор қадриятларни текислаб, ютиб юборади; бу қадриятлар инсоннинг ўзи сингари вақт ва бошқа емирувчи кучлар олдида ўткинчидир.

**Б. Қалб.** Лирик қаҳрамон шахсининг асосий қирралари:

- пассивлик, тақдир кучлари олдида ўз ожизлигини англаш, уларга бўйсунушга тайёрлик;

- тақдирга қарама қарши тарзда, ҳаётга ва унинг заиф, илиқ, беғубор предметларига бўлган инстинктив муҳаббат;

- ҳаётнинг ҳар қайси алоҳида олинган лаҳзаси, мавжудликнинг ҳар қайси парчаси кадрилини ҳис қилиш;

- “креативлик” (ёки Зулфиянинг ўз сўзи билан айтганда, “заковат”), яъни мислсиз таъсирчанлик, мавжудлик сарҳадларидан чиқа олиш, замон ва макон тўсиқларидан ўта олиш, руҳий ўлчамларида ўз дунёсини қура олиш (Креативликнинг намоён бўлишига кучли хотира ва тасаввур, бошқалардан яширин маъволар, нарса-ҳодисаларни илғаш, табиат тилини тушуниш, аломатларга ишонил, каромат қилиш қобилияти кабиларни мисол келтириш мумкин).

**В. Бурч ва бахт.** Зулфия лирик қаҳрамони ҳаётий стратегиясининг асосида, унинг бахт ва бошқа дунёвий неъматларга бўлган муносабатида инсоннинг жамиятдаги ўрни омонатлиги ва охир-оқибат, чорасизлиги тушунчаси ётади. Модомики, бахт аслида инсонга “боғлаб берилмаган” ва оддий тасодиф ёки қисқа муддатга ҳушни ўғирлайдиган бўлиши мумкин экан, лирик қаҳрамон ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, таркидунёчиликка мойил бўлади. Бир томондан – у бахт олдида кўрқувни ҳис қилади, уни йўқотишдан, кўз тегишидан хавфсирайди, бахт унга қимматга тушади. Бошқа томондан – юксак даражадаги ор-номус уни ўз-ўзини чеклашга, вазминликка, сиполикка ундайди. Бунда ўз манфаати изидан қувиш эмас, балки иззат-нафси таҳқирланган кимсаларга ёрдам, бирдамлик, даҳшатли зиддиятлар олдида ҳаётий қадриятларни биргаликда сақлаш ва ҳимоя қилишга бўлган уринишлар қоида тусига киради.

**Г. Тақдир устидан ғалаба.** Бахтсизликнинг табиийлиги ва ундан қутулиб бўлмаслигини англаб экан, шоира қаҳрамони бунга кўникишга ва қалби тубида кўнгилни қониқтирадиган ўз митти муҳитини яратишга интилади. У бахтсизликни чидам билан енгади, омадсизликлар ўрнини тўлдириш манбаларини ва умуман ўз ҳолатини ижобий баҳолаш имконини топади. Аммо лирик қаҳрамон кечинмаларининг бундай алфозда эканлиги четдан туриб кузатувчига салбий бўёқларда тасвирлангандек туюлади.

Зулфия ногаҳоний ўлимга қарши ёза туриб, табиатнинг бу беомон қонуниятига қарши исён кўтаради, бу билан шахсий аламлари доирасидан чиқиб, умумбашарий, барча инсонлар учун муштарак бўлган мавзуда қалам тебратади. Нафосат қонунларининг талаби ҳам шу: фожиа ҳақида ёзишдан мақсад – одамларнинг сабр-қарори, умиди замиридаги қудратни кашф қилиш, дардларига малҳам бўлиш, шу йўл билан уларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир.

Муҳаббат Зулфия шеърлятида такрор-такрор мурожаат қилинган ва кенг ишлов берилган мавзулардан бири. Бу мавзу ҳам бир неча мотивларга бўлинганлигининг ўзиёқ шоира истеъдодининг юксаклигига, бетакрорлигига далолатдир.

Зулфия шеърларининг мутолааси – унинг садоқат ва вафо куйчиси эканлигини доимо уқтириб туради. Шоира ижодида ана шу улкан ва пойдор мотив бош поэтик образ даражасига кўтарилди. *Баҳор, куз, ҳижрон, айрилиқ,*



*севги ва садоқат* мотивлари ҳар бир шеърда образлиликни кучайтиришга, талқин ранг-баранглигини оширишга, қаҳрамон табиатини ойдинлаштиришга хизмат қилган десак, муболага бўлмайди. Бу каби мотивлар шоира ижодида маромига етказилиб, маҳорат билан тасвирланганки, бу унинг индивидуал услубига хос хусусият эканлигидан далолат беради.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли *“Лирик мотивлар ранг-баранглиги ва инкишофи”* деб номланади.

Зулфия шеърларининг руҳи ва оҳангини, мазмуни ва йўналишини, авж пардасини, мақсад, ғоя ва идеалларини умуминсоний фикр ва туйғулар белгилайди. Зотан, Зулфия ижодининг ҳароратини таъминлаган омил ҳам ундаги жўшқин ва фаол инсонпарварликдир. Шоиранинг ҳаммани “юрагига яқин олиши”, барчани “кўзу қош сингари дўст”, “тақдирдош, биродар” деб билиши шундан. У ўз шеърляти орқали ўзбек халқининг инсонийлигини, маънан гўзаллигини, улуғ ишларга қодир эканлигини жаҳонга ҳаққоний намоёниш қилди.

Зулфия лирикаси теран тафаккур ва жўшқин ҳиссиёт вобасталигидан ҳосил бўлган шеърлятдир. Шоиранинг лирик қаҳрамони юксак интеллект соҳибаси эканлиги сезилиб туради. У бироз ўйчан, баъзан фалсафий, баъзида эса жиддий ва таъсирчан. Шоира маънавий-руҳий изланишларида ҳис-туйғулар манзараси, кечинма таранглиги, ўткир драматик вазият ва коллизиялар бўртиб туради. Унда макон ва замон чегарасининг қамровлари кенг, ўтмиш, бугун ва келажак воқелиги инсон тақдири, эртаси билан эш тасвирланади. Шоира ижодида “хотира”, “тақдирдош”, “юракка яқин кишилар”, “тонг”, “баҳор”, “айрилиқ”, “соғинч” мотивлари такрорланишининг, барқарор тус олишининг боиси ҳам шунда. Поэтик тизимида бахтиёрлик ва фожиавийлик оҳанглариининг ёнма-ёнма келиши унинг воқеликни, инсонни кенг ва яхлит, бор мураккаблиги билан талқин қилиш эҳтиёжи натижасидир.

Мотивлар соҳасини синчков китобхон ва мутахассисгина ҳис қила оладиган асарнинг ички, кўринмас чизиқлари билан белгиланган ҳалқалари ташкил этади. Матнда жумбоқли тарзда келиш, ярим ифодаланганлик унинг энг муҳим қирраси ҳисобланади.

Адабиётшуносликда “мотив” сўзига қандай мазмуний оҳанглар берилмасин, унинг чинакам долзарблиги, зарурият эканлиги ўз-ўзидан аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Зулфия шеърлятида кўп кузатиладиган мотивлар сифатида поэтик матндан шоира биографияси ва унинг турмушдаги фаолиятига бориб тақалиши билан ажралиб турадиган бир нечтасини келтирамиз:

**Тонг (порлок келажак) мотиви.** “Елда қўшиқ, кўприкда шуъла, Бахт-ла тепди икки ёш юрак... / Ой сўзлади юлдузни тўплаб, Севги тонги ҳақида эртақ”. (1936) – “Тинчгина тонг отар. Чикади қуёш / Кўм-кўк майсаларда ялтирар шабнам...” (1947) – “Кундан-кун саҳарга ортар соғинчим, Наҳот ҳаёт шомин яқинлиги бу? / Салқин оромида йўқолар тинчим, Демак, шафақ мен-чун ёлқинлиги бу!” (1968);

**Яқин кишилар ёди мотиви.** “Бахтиёр севгини куйларди созим / Ўлим ханжарига тегди-ю синди...” (1944) – “Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда / Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!” (1945) – “Қанча бўлди кўрмаганимга / Эй қалбимнинг дилбари шоир!” (1950) – “Олов тўлқин туннинг ичида, Қолиб маънос чайқалар денгиз... / Мусибатнинг занг илгичида, Гулгун кўйлак осифлик хануз...” (1985);

**Баҳор – янгилик мотиви.** “Шоир севган ўлка кўксига / Хушбўй баҳор кезиб юради...” (1980) – “Баҳорда туғилдим! Унга эш / Яшашнинг қонуни қонимда...” (1981) – “Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас / Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди” (1983).

Шоира тафаккурининг маҳсули бўлган, ҳаётини беазаган тушунча ва қоидаларни биз аллақандай абстракт рамзлар ёки шартли ифодалар сифатида эмас, балки ўзига хос яхлит бутунликка эга ҳаёт фалсафаси сифатида тушунамиз. Шоиранинг мавзулар мажмуасига лирик қаҳрамон шахсининг энг барқарор ва доимий қирралари, унинг олам ва одам ҳақидаги асосий тушунча-тасаввурлари ҳамда ўзини тутишининг умумий стратегияси киради.

Шеър қурилишида мотивларнинг ўрни турлича бўлиши мумкин. Улардан баъзилари тематик ёки композицион ўзак ролида ишлатилса, айримлари ташқи аксессуарлар ўрнида келиши, учинчилари эса марказий ва ёндош позициялар учун бир хил мавқе эгаллайди.

-Зулфиянинг абадий фироқ, висолсиз муҳаббат ҳақидаги ҳазин шеърлари, фожей образлари фалсафий маънода ҳаёт ва ўлим баҳсига йўл очади. Шу боис, шоиранинг туйғулар олами кўп қирралади, чуқур тағмаёнага эга, лирик драматизм билан йўғрилган шеърлари ҳар гал янги янги талқинларга йўл очаверади;

-Зулфия шеърлятида намоён бўлган поэтик ғоялар тақдир, қалб, бурч ва бахт, тақдир устидан ғалаба каби адабий мавзулардан ўсиб чиқади ва бу хусусият унинг ижодини А.Ахматова, М.Цветаева каби замондош рус шоиралари ижоди билан ҳаммаганлик касб этишини юзага келтиради;

-масофадан туриб мулоқот қилиш шоира шеърлятида айрилиқларни, орадаги масофа ва тўсиқларни енгишнинг асосий шакли бўлиб, лирик қаҳрамоннинг йироқдагилар билан ҳаёлий суҳбати баъзан нома етказиш вазифасини бажарувчи шамол, кўшиқ, қушчалар орқали амалга ошса, баъзан бевосита – “руҳ билан суҳбат” тарзида юз беради;

-Зулфия шеърлятида тасвирий воситаларни ҳам, мисра тузилишини ҳам, шеър вазнини ҳам керакли ўзанда ислоҳ қила олди. Буларнинг барчаси сўзлар стихиясидаги мусиқийликни эркин шеър шаклидаги жонли суҳбат билан алмаштиришга бўйсиндирилган эди;

-барқарор семантик бирлик сифатида Зулфия шеърлятида қайта-қайта мурожаат қилинган тонг (келажак), яқин кишилар ёди, баҳор-янгилик мотивлари шоира поэтик оламини тушунишда муҳим аҳамиятга эга;

-мотивларни конкретлаштириш учун қулланиладиган образли – мажозий воситалар: типик метафоралар, гиперболалар, сифатлашлар, рамзлар мотивнинг ўзи каби тематик асосга боғланади.

**“Зулфия поэтик мактаби анъаналарининг шеърятимиз ривожда тутган ўрни”** деб деб номланган учинчи боб ҳам икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда *“Дунёни идрок этиш тарзи ва кечинма тасвири”* муаммоси ўрганилади.

Биз шоира ижоди бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига таяниб, Зулфия бадий тафаккурининг қонуниятларини (умумий аломатларига кўра, унинг реализм ўзанида кечганини назарда тутган ҳолда) шеърятининг бино бўлиш йўсинлари ва шакллари билан ўзаро боғлиқликда аниқлаш вазифасини қўямиз. Бу вазифани ечиш шоира ижодига тадрижий ёндашувни кўзда тутуди (Модомики, ярим аср оралиғида Зулфиянинг дунёни идроклаш ва ёзиш манераси янгиланди). Бу эса, ўз навбатида, Зулфия ижодини даврлаштириш масаласини ўртага қўяди.

Зулфия ижодида ҳар бири учун муайян нуқтаи назар хос бўлган, у ёки бу ғоя ва мотивлар доирасини шартлантирадиган, поэтик воситаларининг умумийлигини кўрсатадиган алоҳида уч давр аниқ ажралиб туради:

**1-давр** – 1930-1940 йиллар. (“Ҳаёт варақлари”, “Шеърлар”, “Қизлар кўшиғи” тўпламлари);

**2-давр** – 1941-1970 йиллар. (“Ҳижрон кунларида”, “Ҳулкар”, “Мен тонгни куйлайман”, “Юрагимга яқин кишилар”, “Гулларим”, “Ўйлар” тўпламлари);

**3-давр** – 1971-1995 йиллар (“Висол”, “Йиллар, йиллар”, “Тонг билан шом аро” тўпламлари).

Ҳар қайси шоирда воқеликни бадий тушуниш дунёқарашнинг муайян модели доирасида юз беради. Ўз навбатида, бу дунёқараш унинг муаллифлик позицияси, лирик қаҳрамонининг табиати, лейтмотивлари тизими, сўзининг мақоми, образли ифодалаш ҳамда композицион ва услубий ўзига хослиги каби асосий шоирона-эстетик йўналишларини белгилаб беради. Зулфия ижодида дунёни кўриш ва англашнинг бир нечта ана шундай моделлари ажралиб туради. Шартли равишда уларни а) феноменологик, б) мифопоэтик, в) культурологик моделларга ажратамиз ва улардан ҳар бири биринчи, иккинчи ва учинчи даврларга мос равишда кўпроқ амалга ошганлигини белгилаб қўямиз. Шоира Зулфиянинг дастлабки тўпламларида дунёни ўзига хос идроклаш икки асосий ибтидо – табиий воқеликни уйғунликда қабул қилиш ва ҳаёт гўзалликларидан завқ-шавқ туйишдан озиқланади. Шоиранинг реаллик ҳақидаги тасаввурлари одамлар турмушини яхшилаш тўғрисидаги фалсафий тезислар доирасида шаклланди. Бу ғоялар символистларнинг “мувофиқлик” назариясига қарши мунозара тарзида йўналган эди.

Борлиқни бундай (турмуш – мавжудлик) тушуниш объектив тарзда инсонийлик соҳасига нарса-буюмларни тортишни ҳам англатади. Худди шу туфайли ҳам Зулфиянинг ҳаётга ижодий муносабатида атроф-муҳитни “жонлантириш”, “тирилтириш” тамойили устунлик қилади. Натижада, унинг шеърларида табиат ҳодисаларидан тортиб, оддий нарса-буюмлар олами ҳам инсонийлашади. Умуман, буюм икки хил мазмун касб этади: ўз-ўзича мавжудлиги учун қадрли ва муҳим бўлишидан ташқари, шахс ички ҳаётининг акси ҳам саналади.

Шунинг учун ҳам Зулфия асарларининг аксарияти инсон экзистенцияси билан йўғрилиб кетганки, шахс руҳияти ҳақида жуда кўп нарсалардан ҳикоя қила олади. Ҳаётга бўлган зўр иштиёқ, шаффофлик, муҳаббат ҳақида шоира кўпинча ўз шеърларида очикчасига, деярли дастуриламалдек гапиради, бу сифатни поэтик оламининг доминанти санайди. Унинг ҳаётга бу қадар муҳаббатининг бош манбаси – субъектив “мен”нинг оламда мавжуд барча нарсаларга дахлдорлик туйғусидан келиб чиқади.

Шоира лирик қаҳрамони ўзини худди моддиюн дунёга жон-тани билан чамбарчас боғлангандек ҳис қилади. Аёнки, ташқи реалияларнинг ҳар қандай лирик тасвирида тағмаъно орқали муаллифнинг эмоционал баҳоси сезилиб туради. Бироқ Зулфияда – борлиқнинг ташқи ва ички кўринишлари бирикиши натижасида – нарса-буюмларнинг образлари семантик жиҳатдан икки планли, икки йўналишли бўлиб гавдаланади. Бир томондан, улар объект, ташқи дунёни ифодаласа, бошқа томондан – уни қабул қилаётган лирик онгни характерлайди. Қачонки Зулфия:

Севмай қўйдим тунни,

Севмайман тунни.

Бутун вужуд бўлиб кунни кутаман.

Нафис, шафтолининг гулидай нурли –

Шаффоф нафасига юзим тутаман<sup>34</sup>.

деса, китобхон кўз ўнгида табиатнинг муайян нафис картинаси жонланади. Бундай эффектга образнинг кучли ҳис-ҳаяжон ифодалайдиган айричалиги, унинг таркибига субъектив модаллик унсурларининг (“Бутун вужуд бўлиб”) сингдириб юборилганлиги, семантик такрорлар (“шафтолининг... шаффоф нафаси”) орқали эришилади. Аммо образнинг худди шу эмфатик қабариклиги (кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаш), сўзлар ифодасининг экспрессивлиги лирик қаҳрамон ичидаги танглик ҳақида, уни исканжага олган изтироблар ҳақида таассурот уйғотади. Унинг қалб ҳолати нарса (шафтоли гули) образига ўтади, суратланади. Пировардида, предметли маънога эга сўз уларнинг семантик ва эмоционал майдонларини кенгайтирувчи қўшимча маъно орттиради.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “*Зулфия лирикаси ва ҳозирги шеърят поэтикаси*” деб аталган бўлиб, унда Зулфия ижодининг ўзга шоиралар ижодига таъсири масалаларига эътибор қаратилади.

Зулфия ўзбек адабиётида лирик туркумнинг нодир намуналарини яратди, жанрнинг турмуш манзараларини акс эттириш имкониятларини оширди. У яратган туркумларнинг бошқа ўзбек шоиралари, жумладан, О.Ҳожиева, Г.Жўраева, Ҳ.Худойбердиеваларнинг лирик туркумларига таъсири катта бўлди. Шунини эътиборга олиб, шоира ижодининг гултожиги айланган қатор туркумларнинг ўзига хос жиҳатлари, алоҳида қирраларини конкрет мисолларда таҳлил қилишга уриниб кўрдик.

Туркум – “жанр, мавзу, ғоя тамойилларига ёки персонажларнинг умумийлигига кўра, муаллиф томонидан тарихий давр, ягона поэтик

---

<sup>34</sup>Зулфия. Асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Мушоира.– Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 37.

кайфиятга мос равишда онгли равишда уюштирилган асарлар гуруҳидир”<sup>35</sup>. Бироқ туркумнинг анъанавий таърифи унинг табиатидаги мураккабликни батамом ифодамайди. Бизнингча, муаммонинг бирлиги, сюжет чизиғини ташкил этадиган конфликтлар қолипнинг, образли-услубий ечимнинг ягоналиги туркумни юзага келтирувчи фаол омиллардан ҳисобланади.

Жанрни юзага келтирадиган етакчи унсурлардан бири ўзини обзор композицияда намоён этадиган алоқа тури, яъни асарнинг шундай тузилишики, унда “уюштирувчи марказ фабуланинг ягона мағзи эмас, балки ғоявий-тематик вазифа, муаммо, нуктаи назар бирлиги бирламчи аҳамият касб этади. Айнан шу алоқа туфайли марказ таъсирида материал танланади ва гуруҳланади”<sup>36</sup>. Обзор композицияда муаллиф ўзини яққол ифодамайди, айнан унда муаллиф ғояси ва муаллиф “иродаси” тажассум топади; асар яхлитлигини “фикрни бирлаштирувчи унсур” таъминлайди.

Зулфиянинг қатор туркумлари мисолида кузатадиган бўлсак, ижтимоий воқелик, шоирлар дунёқарашини, реалистик тасвир маданияти жанр табиатига ички сифат ўзгаришларини олиб кирганлигини кўрамиз. Хусусан, туркумлардаги бош қаҳрамон – шоиранинг ғоявий-эстетик идеали. Лирик қаҳрамонининг олам ва одам тўғрисидаги ўй-мушоҳадалари, психологик кечинмалари силсиласи, воқеабанд ҳолатлар сюжет оқимини белгилаб бераётир. “Ўйлар”, “Камалак”, “Қозоғистон ўланлари”, “Тонг ила шом аро” туркумлари ўзининг ижтимоий-фалсафий мазмуни билан рамзларга асосланган реалистик идрок ва ифода маданиятининг янги йуналишларини дарж этади. Уларда ҳаёт материални бадиий шаклга солишда асосан воқеабандлик асосий омил сифатида кўзга ташланади. Шунингдек, Зулфия шеърий туркумларида лирик, фалсафий ўй-мушоҳадалар силсиласи, публицистик чекинишлар, даъват, инкор ва иқдор, эътироф белгилари, психологизм, ҳиссий кечинмалар кайфиятини бериш, руҳий ҳолатлар суратини чизиш, психологик портретлар яратиш каби усулларга ҳам кўплаб мурожаат этилади.

Шоира автобиографиясига тааллуқли воқеаларнинг шеърий шакллардаги ифодаси Зулфия поэтик ижодининг эътиборга лойиқ жиҳати ҳисобланади. Шахс – поэзия – тақдир биргаликда шоира поэтик дунёсининг яхлит бирлик сифатида шаклланишини таъминлади. “Ҳижрон кунларида” туркумига кирган “Сенсиз” шеъри ана шундай шеърлардан эканлиги билан алоҳида ажралиб туради:

Мана бир умрни яшадим сенсиз,  
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб,  
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,  
Фарзандлар кўтарди кўлимдан тутиб. (“Тонг билан шом аро”, 19-20-бетлар).

Лирик қаҳрамон кечинмалари уларнинг ифода шаклига мос тушган. Шеър матнини ташкил этган сўзларнинг ярмидан кўпроғи ҳис-туйғуларни

<sup>35</sup> Сапогов В.А. Цикл // КЛЭ. – Москва: 1975. Т.8. С. 398-399.

<sup>36</sup> Гин М.М. О своеобразии реализма Н.А. Некрасова. - Петрозаводск, 1966. С. 77

(шодлик, аза, заиф, тўй, қайғу, ношудлик, тунд рухлик, рашк, ғамнок, маъюс) ифодалаб, эмоционал ҳолатларни (“туйғулар зорига солганда кулоқ”, “тирик экан нега ташлаб кетмадинг”, “тирик айрилишнинг доғи оғирмиш”, “изингдан юрмасдим соядай ғамнок”) тавсифлайди.

Қаҳрамоннинг қизгин истиғфорлари-ю иқрорлари – бу, аслини олганда, куйган кўнгилнинг бешта риторик хитоб шаклидаги чорасиз ҳайқириқларидир (“Тирик экан нега ташлаб кетмадинг?”; “Хўрлик кемирармиш умрни чайнаб!”; “Нега, нега мени ташлаб кетмадинг?”; “Қаламинг муждасин кутардим муштоқ...”; “Ташлаб кетмадинг-а, бошлаб кетмадинг?!”).

Шоиранинг бошқа асарларига нисбатан бу шеърда метафоралар жуда кўп (ҳар нега қалқон, афзал кўрганинг, соядай ғамнок, хўрлик кемирармиш умрни, мудҳиш эгов ва бошқ.).

Композиция нуқтаи назаридан “Сенсиз” ҳар бири воқеликнинг муайян бўлақларини тавсифловчи уч қисмга осонгина бўлинади: биринчи қисм (шеър бошидаги икки банд) бизга қаҳрамоннинг оғир руҳий ва жисмоний ҳолатини кўрсатади, иккинчи қисм – сўнгги банддан ташқари барча мисралар – лирик қаҳрамонни “аямай ташлаб кетган” яқини номига гина-кудуратдан иборат. Учинчи қисм (сўнгги банднинг охириги мисрасидан бошқа) – туйғулари бутунлай чалкашиб, кўнглини изтироб, ғашлик эгаллаган лирик қаҳрамоннинг ўзини оқлашга бўлган уриниши, иқроридир.

Албатта, шоира яратган туркумлар бошқа ижодкорларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Жумладан, буни О.Ҳожиева, Г.Жўраева, Ҳ.Худойбердиеваларнинг ижодида кузатиш мумкин. Бу ижодкорлар борасида Зулфияхоним бир қанча бебаҳо ва самимий фикрларни билдирганлар: “Ойдин ва унинг тенгқурлари бўлган қизларимиз ижоди ўзбек адабиётимизда салмоқли экани ўта ифтихорли. Буларнинг ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди, ҳар бирининг ўз кўшиғи, ўз услуби, рангин қалами бор.”<sup>37</sup> Масалан, Ҳ.Худойбердиеванинг 1968 йилда “Илк муҳаббат” номи билан чоп этилган илк шеърий тўпламида шоиранинг:

“Оқарганда сочлар эслаймиз,  
Сархуш баҳор, куз ўтганини.  
Кимларнидир рад этганмиз биз,  
Кимлар бизни рад этганини... –

мисраларини ўқиб, ёш Халима қайси журъат, қайси ҳаётий тажрибаси билан инсон умр баҳори ўтиб, куз кириб келгани-ю, сочлар оқарганини, энди ҳаётга кириб келаётган инсоннинг кимларнидир рад этиб, кимлар уни рад этганини”<sup>38</sup> куйлашга ботинолди деган саволга юз тутамиз.

Шунингдек, Халима Худойбердиева шеърларида она меҳри, ўзбек аёли, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат, ҳаёт ва инсон каби мавзулар асосий ўринни эгаллайди ва мана шу жиҳатлари билан ҳам шоира Зулфия мактаби вакиласи, издоши эканлиги унинг шеърлари орқали аксланаверади.

<sup>37</sup>Ҳожиева О. Тўрт танҳо.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013, 8-бет.

<sup>38</sup>Маҳмудова Д. Халима.эссе-қисса.- Тошкент: «Ўзбекистон», 2016.248-250 бетлар.

Ёки Ойдин Ҳожиёва ижодидаги “”лирик туркум” ларидан ўрин олган вафога, садоқатга йўғрилган шеърларида айнан шоира Зулфия таъсирини яққол кўришимиз мумкин:

Биламанки, сенингсиз баҳорим йўқ  
Ҳам сенингсиз қаноат, қарорим йўқ,  
Бу бир бало ишқ, унинг такрори йўқ,  
Ҳеч жаҳонда сен каби дилдорим йўқ<sup>39</sup>!

Бундан ташқари шоира Зулфиянинг истеъдодли шогирди ва издоши Гулчеҳра Жўраёвада:

Яшарарсан севги фаслида,  
Севгинг бўлса мусаффо азал  
Севилмаган ёринг васлидан,  
Йироқдаги ёр ҳажри афзал!!<sup>40</sup>

каби бир қанча мисраларида Зулфия шеърларининг ҳароратини сезишимиз мумкин.

Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиёва, Г.Жўраёва каби шоира Зулфия шогирдларининг шеърларини ўқир экансиз, уларнинг қайси чашмадан сув ичган, кимнинг ижодидан илҳомланган экан, деган саволларга жавоб топгандай бўласиз. Шулардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. XX аср ўрталарида жаҳон феминизацияси сўз санъатига ҳам ўз таъсирини ўтказди, натижада “Аёллар адабиёти” тушунчаси пайдо бўлди. Бу адабиётнинг типологик белгилари, хос хусусиятлари, айрича мавқеи жаҳон адабиётшунослигида бир қадар ўрганилган. Зулфия ва унинг поэтик мактаби вакиллари ижодини “Аёллар адабиёти”нинг бир ҳалқаси сифатида ўрганиш янги адабий қарашлар ва тўхтамларга келишга имкон беради.

2. Зулфия ижодида лирик кечинма нафақат бевосита ифодалангани, балки билвосита – ички оламнинг ўзига хос рухий “код”ига айланган ташқи дунё образлари орқали гавдалангани ва ўзининг поэтик ифодасини топади. Шоира Зулфия ўзбек адабиётига ўзидан сўнг катта поэтик мактабни мерос қилиб қолдирди. Бу поэтик мактабининг анъаналаридан озикланган ўзбек шеърининг образлилик ва мураккаблашиш ҳисобига юксалмоқда.

3. Зулфиянинг қатор туркумларини яқунласак, ижтимоий воқелик, реалистик тасвир маданияти жанр табиатига ички сифат ўзгаришларини олиб кирганлигини кўраемиз. Хусусан, туркумлардаги бош қаҳрамон – шоиранинг гоёвий-эстетик идеали. Лирик қаҳрамонининг олам ва одам тўғрисидаги ўй-мушоҳадалари, психологик кечинмалари силсиласи, воқеабанд ҳолатлари шеърларда сюжет оқимини белгилаб берган.

4. Зулфия ўзбек адабиётида лирик туркумнинг нодир намуналарини яратди, унинг турмуш манзараларини акс эттириш имкониятларини оширди. У яратган туркумларнинг бошқа ўзбек шоиралари, жумладан, О.Ҳожиёва, Г.Жўраёва, Ҳ.Худойбердиеваларнинг лирик туркумларига таъсири катта

<sup>39</sup>Ҳожиёва О. Наво. Шеърлар. Тошкент: «Ёш гвардия», 1977, 48-бет.

<sup>40</sup>Жўраёва Г. Энг яқин юлдуз. Тошкент: «Ёш гвардия», 1979,83-б.

бўлди. Бу эса шоира Зулфия издошлари ижодида ҳам Зулфия шеърятининг давомийлиги, абадийлиги мужассам эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Шоира ижодий эволюциясида адабий таъсир ва бадий таржиманинг роли**” деб номланган. Бу боб ҳам икки фаслдан иборат. Биринчи фасл “*Адабий таъсирнинг самаралари*” деб аталади. Шоира адабиётга кириб келар экан, ижодкор, аввало, ўзигача бўлган бадий-эстетик тафаккур намуналарини ўқиб ўргангани, улар орқалигина адабиётга меҳр кўяди, ҳис-туйғу ва кечинмаларни, гоё ва образларни поэтик ифодалашнинг усул ва йўсинлари ҳақида бош қотира бошлайди, бу йўлда илк уринишлар қилади. Шу маънода, ҳар қандай янги матн – аввалгиларининг айрича кўринишидаги такрори, ўзлаштирилган кўриниши, давоми эмасми, деган савол кўпчиликти ўйлатиши, табиий.

Хўш, адабий танқид кейинги пайтларда Ғарб структурализми таъсирида бизгача етиб келган “муаллиф ўлими” концепцияси, “интертекстуаллик”, “реминисценция” тушунчалари ёрдамида адабий таъсирнинг, умуман, ижодий таъсирланишнинг туб моҳияти ва у келтирадиган самаралар ҳақида жўяли фикрларни илгари сура оладими? Бу саволга адабиётга ёндашув методларининг қай даражада ўзини оқлашлари ҳақидаги масалага ойдинлик киритиб олгачгина, узил-кесил жавоб бериш мумкин. Бу ерда гап адабиётга имманент ва контекстуал ёндашувлар ҳақида бормоқда. Аввало, контекст тушунчасини кенг маънода салафлар ижодий мероси сифатида тушунар эканми, унинг муайян асар таҳлилида тутган ўрнига эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Академик Б.Назаров “Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир” мақоласида адабий таъсирга қуйидагича таъриф беради: “Адабий таъсир кўшни, ёндош, замон ва макон масаласида ички ҳамда турлича манзил ва олисликдаги адабиётлардан ўрганиш асосидаги такомиллашув манбаи, жараёни ва ҳосиласи”<sup>41</sup>.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари билан танишиб чиққанидан сўнг, шоирада бошқа халқларнинг адабий меросига қизиқиш, улардаги илғор тажрибалардан ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлган. Бу эҳтиёж кун сайин кучая борганидан у рус тилини чуқурроқ ўрганишга ва улуғ шоирларнинг асарлари билан яқиндан танишишга қарор қилади.

Зулфия рус шоирларидан А.Пушкинни, Н.Некрасовни алоҳида бир меҳру муҳаббат билан севганини мақола ва суҳбатларида тез-тез эсга олади. Улуғ шоирларнинг ўз руҳиятига яқин кўплаб асарларини ўзбек тилида жаранглатиш бобида ҳам шоира кўп заҳматлар чеккан. Зулфиянинг бу шоирларга бунчалик эътиқод кўйишининг боиси - улар ижодидаги инсонийлик, поклик, маънавий жасорат, бурч ва садоқат каби фазилатларнинг юксак пардаларда куйлангани бўлса, ажаб эмас: “Классик шоирларнинг кишига таъсир этадиган ажойиб кучи ва киши билмас сири бор, чоғи. Масалан, Сиз Пушкиннинг “Тунги туман ухлар Грузия тепалигида”

---

<sup>41</sup>Назаров Б. Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир / Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: таъсир ва типология. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент: «Muharrir nashriyoti», 2013. – Б. 6.



мисрасини олинг. Оддий, жуда оддий сўзлар. Лекин, бу ерда, бу сўзларнинг замирида қанча шеърият ва теран маъно бор. Бу манзарани, табиатдаги кайфиятни ёлғиз худди шундай сўзлар билан, фақат шундай иборалар билангина ифода этиш мумкиндай гўё. Бу ерда гўё ҳамма нарса аниқ тўла айтилган, содда, чуқур ва жонли.

Парча ҳолидаги реминисценциялар муаллифники бўлмаган нутқнинг алоҳида кўринишларидан ҳисобланади. Улар ижодкорнинг ўз салафлари қарашларини қабул қилиши ва маъқуллашини ёки аксинча, илгари яратилган матнга ўхшатма қилиш асносида баҳслашиш ниятида эканлигини билдиради: “...парча келтиришлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, ҳар хил ва аксар бир-бирига ўхшамаган “овозлар” шундай контекстда тажассум топадики, ундаги ўзгалар сўзи орқали муаллиф фикри (унинг ўзга фикрни маъқуллаши ёки рад этиши) англашилади”<sup>42</sup>.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли “*Таржимадаги талқин – таҳлил – идрок*” деб аталади. Мазкур фаслда шоиранинг моҳир мутаржим сифатида камол топишида таржималарининг ўрни белгиланган, ўгирилган шеърларнинг вариантлари солиштирилган, улардаги ўзгартиришлар ва унинг сабаблари текширилган. Дастлабки таржимада мазмунан ва шаклан йўл қўйилган камчиликлар кейинги нашрларда бартараф этилганлиги аниқланган.

“Ёзувчи маҳорати” ва “таржимон маҳорати” деган тушунчалар бир-бирига вобастадир. Улар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, агар оригинал ижодда (асл нусхани ёзиш жараёни назарда тутилади) автор ўз асаридаги объектга биринчи бўлиб киришиб, бадиий воқеликни ўз она тили имконияти билан акс этгирса, таржимон бир варакай икки ишни бажаради. Биринчи босқичда, у ёзувчи кетидан бориб, юқорида қайд қилинган маҳорат талаблари асосида асл нусхада тасвирланган объектни қайтадан, худди муаллиф сингари, бадиий йўсинда ўзлаштиради; иккинчи босқичда эса, бошқа тилда ўқувчи китобхонни кўз олдига келтириб, ўша иккинчи тил хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таржима текстини яратади. “Рус аёллари” ичига икки мустақил, айна пайтда, бир-бирига боғлиқ асар киритилган: “Княгиня Трубецкая” ва “Княгиня М.Н. Волконская”. Зулфия буларни аввал “Шарқ юлдузи” журналида, кейинчалик, 1956 йилда Ўзбекистон Давлат нашриётида “Рус аёллари” таржимасини алоҳида нашр қилдирди. “Бу асар Зулфия таржимонлик маҳоратининг жуда кўп қирраларини ёритиш учун катта материал бўла олади. Бу асарда тамоман бошқача бир дунё, бошқа қаҳрамон, ўзга интонация, айрича мусиқа, манзара ва образ; аёлни, қаҳрамонликни, фидокорликни куйлаш ётади.

Шунга қарамай, Зулфия Екатерина Ивановна Трубецкаянинг ўзига хос рухий дунёсини аслидай сақлаган ҳолда асар қаҳрамонига “янгича” ҳаёт беради. Эри ортидан Сибирга жўнаб кетаётган аёл қалбидан нелар ўтмайди: гоҳида “қақшатади совук”, “уйку бермас хаёллар бироқ”, “кўрганлари бари эмас туш”, “ямшик мудраб эгарда ухлар”, “оч бўрилар... юракларни тимдалаб

---

<sup>42</sup> Левин Ю.И., Сегал Д.М., Тименчик Р.Д., Топоров В.Н., Цивьян Т.В. Русская семантическая поэтика как потенциальная культурная парадигма // Russian literature. 1974. № 7/8. – P. 71.

увлар...”.

Барибир унинг қарори қатъийдир:

Да, рвём мы сердце пополам

Друг другу, но, родной,

Скажи, что ж больше делать нам?

Поможешь ли тоской!

Один, кто мог бы нам помочь

Теперь... Прости, прости!

Благослови родную дочь

И с миром отпусти!..<sup>43</sup>

Отасидан кечирим сўраб, ватанпарварлик, эрига садоқат бурчи устун эканлигини таъкидлайди:

Далёк мой путь, тяжёл мой путь,

Страшна судьба моя,

Но сталью я одела грудь...

Гордись – я дочь твоя<sup>44</sup>.

Ғ.Саломовнинг “Шоир шоирни таржима қиларкан, юлдуз юлдуз билан учрашаркан, қандайдир мўъжиза юз бериши муқаррар... Ахир, ҳеч қачон, таржимон минг қарра ҳалол таржимон бўлганида ҳам, у шоир экан, йўл-йўлақай, ора-чира ўз ҳамкасби – муаллифга “бирон нарса”“ҳадя” қилмай иложи йўқ. Зотан, шоир шоирни фақат такрорлаш мумкин эмас”<sup>45</sup>, - деган мулоҳазалари Зулфия таржимасига, унинг таржима жараёни ҳақидаги қарашларига ҳам мосдир.

Хулоса қилганимизда, шуни таъкидлаш лозимки, бадий асарларга ёндашувларнинг хилма-хиллиги ва уларни танлашнинг эркинлиги – сермахсул илмий тажрибаларнинг гаровидир. Шу йўл билангина бадиият намунасини тушуниш ва тушунтиришдан кўзланган мақсад тўла-тўқис амалга ошади.

Зулфия – истеъдодли таржимон. Чунки шоира томонидан таржима этилган асарларда том маънода миллий характер ва унинг инжа қирраларини сақлаш яққол бўртиб туради. Бу таржималарнинг поэтик инкишофи умумий ижтимоий – маданий алоқалар билан узвийликда воқе бўлади.

Таржима жараёнида шоира, айниқса, севгидаги садоқат ва вафодорлик туйғуларини талқин қилиш ва ифодалашнинг янгича йўллари кашф этишни ўрганади. Натижада Зулфия лирикасида садоқат ва вафо пафос даражасига кўтарилди, бу туйғулар инсонийликнинг бош белгиларига айланади.

## ХУЛОСА

“Зулфия бадий олами ва поэтик мактаби” мавзусидаги илмий тадқиқотимиз сўнгида қуйидаги хулосаларга келинди:

<sup>43</sup> Некрасов Н.А. Сочинения в 2-томах. Том 2. – Москва: «Художественная литература», 1976. – С. 90.

<sup>44</sup> Некрасов Н.А. Сочинения в 2-томах. Том 2. – Москва: «Художественная литература», 1976. – С. 91.

<sup>45</sup> Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. Иккинчи китоб. – Тошкент: «Шарқ», 1997. – Б. 139.

1. Зулфия шеърлярида қатор мотивлар лирик қаҳрамон қалбининг макон ва замон, жонли ва жонсиз мавжудотлар, инсон ва табиат ўртасидаги турфа қирраларни нейтрал ҳолатга келтира олиш лаёқатини ифодалаб келади. Шулардан бири хотирадир. Ҳаётнинг барча азиз дамлари хотирада тин олади, авайланади. Бироқ хотира ноқерак васвасаларни ва ҳатто бир пайтлар бошдан кечирилган азиятларни эсга тушириб юбориши ҳам мумкин.

2. Зулфия қаҳрамони табиатнинг азалий шафқатсизлигидан, ўлим ногаҳонлигидан қанчалик фиғон чекмасин, ўзининг ҳаётий эътиқоди, идеалларидан асло чекинмайди. Аксинча, ҳаётдан оладиган насиба – “шодлик”ка курашиб эришади, уни “қалб билан вақтдан йўғуради”. Шундай қилиб, қалб лирик қаҳрамоннинг қувончи тимсолига айланади, бу Зулфияга хос бўлган фалсафий мушоҳада маҳсулидир.

3. Зулфия шеърларидаги аччиқ тақдирга қарши қасдма-қасдига яшаш, ортга чекинмаслик каби айрим мотивлар Ҳ.Олимжон шеърларидан ўтгандек туюлади. Айниқса, унга бир пайтлар “қучоқ-қучоқ гуллар” ҳада этган инсон қабри пойига гул элтаётган лирик қаҳрамон кечинмалари шундай дейишга асос беради.

4. Шоиранинг туйғулар олами – кўп қиррали, чуқур тағмаънога эга, тўлалигича драматизм билан йўғрилган. Зулфия ногаҳоний ўлимга қарши ёза туриб, табиатнинг бу беомон қонуниятига қарши исён кўтаради, бу билан шахсий аламлари доирасидан чиқиб, умумбашарий, барча инсонлар учун муштарак бўлган ҳис-туйғуларни ифодалайди. Нафосат қонунларининг талаби ҳам шу: фожиа ҳақида ёзишдан мақсад – одамларнинг сабр-қарори, умиди замиридаги қудратни кашф қилиш, дардларига малҳам бўлиш, шу йўл билан уларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдир.

5. Зулфиянинг энг оғир, энг ҳазин мисраларида ҳам илинж, яшашга интилиш мотивлари бўй кўрсатади, хилватнишинлик аломатлари сезилмайди. Ҳассос шоира ҳар қандай фожианинг замини ҳаётда, унинг алмашинув қонуниятида яширинганини, ҳаракат ва ривожланиш жараёни узлуксиз эканлигини чуқур идрок қилади. Шунинг учун ҳам у фожианинг ҳаётбахш томони ҳам борлигига ишонади, уни жонли ва таъсирчан ифодалайди.

6. Шоира Зулфия ижодий қарашларида ҳаётга ўзига хос тарзда ёндашиш, ҳаёт воқелигини қалб призмасидан ўтказиш, шахсий-интим кечинмаларини ижтимоий таянч ва идеал даражасига олиб чиқиш малакаси айрича эканлиги қабариб кўринади.

7. Зулфиянинг эстетик қарашлари ижодкор бадиий тафаккурининг юксаклигини ишончли кўрсатадиган муҳим узв саналади. Зулфия ижодий портрети ва эстетик қарашларининг яхлитлиги асарларидан табиий равишда келиб чиқадиган қуйма бир бутунликдир.

8. Эстетик идеал ҳар бир ижодкорнинг ҳаёт ҳақидаги нафис қарашлари, тушунчаларидан тўйинади. Агар у ўз замонидан ўзиб, истикболдаги орзу-умидларни қуйлай олиш салоҳияти билан безатилса, янада боқийлик касб этади. Шоира Зулфия ижодида намоён бўлган эстетик идеал – нафосатга йўғрилган туйғулар замонлар оша ҳали кўплаб шеърят ихлосмандларининг

кўнглига йўл топиши тайин. Бу шоира истеъдодининг ранго-ранглигини кўрсатувчи, бетакрорлигини таъминловчи ва асрларни тан олмай яшашда давом эттирувчи асосдир.

9. Адабий-танқидий тафаккур ривожда Зулфиянинг адабий ўйлари, бадий ижод, шеър руҳи ва техникасига оид қарашлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Унинг ижод масъулияти, шеърий асар устида ишлаш машаққати бободаги қарашлари ва “сир”лари ижодкор шахсияти ва ижод табиати каби муаммоларга аниқлик киритиши билан қимматлидир.

10. Шоира шеърларининг имманент таҳлили шуни кўрсатадики, Зулфия шахсиятидаги барча қирралар борлиғича асарларига кўчган. Шоира эстетикасида ўтмишни қайта идроклаш, замонасининг шиддатли тўлқинларини ҳис қилиш, келажак сари талпиниш ҳолатлари ҳаёт ҳақиқатини гавдалантириш, яратиш ва кашфиётчилик билан йўғрилиб кетган.

11. Зулфия ижодида лирик туйғу нафақат бевосита ифодаланади, балки билвосита – ўз-ўзича қадрият эканлигини йўқотмаганлиги учун ички оламнинг ўзига хос руҳий “код”ига айланган ташқи дунё образлари орқали гавдаланади.

12. Зулфиянинг қатор туркумларини кузатадиган бўлсак, уларда ижтимоий воқелик ва реалистик тасвир жанр табиатига ички сифат ўзгаришларини олиб кирганлигини кўрамиз. Хусусан, туркумлардаги бош қаҳрамон – шоиранинг гоъвий-эстетик идеали. Лирик қаҳрамонининг олам ва одам тўғрисидаги ўй-мушоҳадалари, психологик кечинмалари силсиласи, воқеабанд ҳолатлари шеърларда сюжет оқимини белгилаб берган.

13. Зулфия ўзбек адабиётида лирик туркумнинг нодир намуналарини яратди, унинг турмуш манзараларини акс эттириш имкониятларини оширди. У яратган туркумларнинг бошқа ўзбек шоиралари, жумладан, Эътибор Охунова, Ойдин Ҳожиёва, Гулчехра Нуриллаева, Гулчехра Жўраева, Ҳалима Худойбердиева, Нилуфар, Дилбар Саидова, Умида Абдуазимова, Мухтарама Улуғова, Турсуной Содикова, Бибисора Отаеваларнинг лирик туркумларига таъсири катта бўлди.

14. Таржиманинг ҳар бир саҳифаси аслиятга мос, катта дид ва зўр маҳорат билан ўгирилмоғи керак. Юқорида намуна қилиб кўрсатилган А.С.Пушкиннинг шеърлари, Н.Некрасовнинг “Рус аёллари” каби таржималар Зулфияда шоиралик қобилияти мутаржимлик истеъдоди билан моҳирона уйғунлашганидан, Зулфиянинг таржима соҳасидаги юксак маҳорат қозонганлигидан далолатдир.

15. Зулфия ўзбек шеъриятида ўзига хос бир мактаб яратди. Бу мактаб миллий шеъриятимизнинг кейинги ривожига бениҳоя катта туртки берди, қатор шоираларнинг адабиёт гулшанида ўз овозига эга бўлишига, ўзбек адабиётида аёл шоиралар ва таржимонлар авлодининг шаклланишига замин ҳозирлади. Унинг ҳаётбахш анъаналаридан озикланган ўзбек шеърияти образлилик ва поэтик рангинлик ҳисобига юксалди. Зулфия таълимини олган ўнлаб шоиралар бугун унинг чироғини сўндирмасликка ҳаракат қилиб, самарали ижод қилмоқдалар. Уларнинг ўзлари ҳам Зулфиядек бир қатор шогирдлар етиштирмоқдалар. Демак, шеъриятда узлуксиз юксалиш давом этмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 ПО ПРИСВОЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УМУРОВА ГУЗАЛ ХОТАМОВНА**

**ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ МИР И ПОЭТИЧЕСКАЯ ШКОЛА ЗУЛЬФИИ**

**10.00.02 - Узбекская литература**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Самарканд – 2019**

**Тема диссертации на соискание степени доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В 2019.2.DSc/Fil165.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский и английский) языках размещен на веб-странице Самаркандского государственного университета [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:**

**Хасанов Шавкат Ахадович**  
доктор филологических наук

**Официальные оппоненты:**

**Тураев Дамин**  
доктор филологических наук, профессор

**Каримов Наим**  
доктор филологических наук, академик

**Хамдамов Улугбек**  
доктор филологических наук,

**Ведущая организация:**

**Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(0366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz). Главный учебный корпус Самаркандского государственного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за номером \_\_\_\_). Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс:(0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(Протокол реестра рассылки \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**М.К.Мухиддинов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.филол.н., профессор

**А.Б.Пардаев**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.филол.н.

**А.Э.Маматов**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.филол.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом литературоведении исследованы и изучены творчество и литературно-эстетические взгляды ярких представителей мирового масштаба, имеющие своеобразный стиль и занимающие определенное место в литературе. Художественная литература как неотделимая часть мировой истории и культуры, занимает особое место в всестороннем развитии будущего поколения. Научные концепции связанные с развитием литературно-эстетических параметров художественного творчества, новый подход и стиль в современном литературоведении считаются основными критериями его развития.

Мировое литературоведение на современном этапе развития требует новый подход художественному произведению, обращает особое внимание определению своеобразия поэтического мира автора, его литературно-эстетических принципов. Переменчивость действительности, отражающей в литературе ставит в необходимость раскрытия и истолкования новых особенностей художественного произведения. В особенности, все еще актуален вопрос об общечеловечности и современности творчества, о проведении исследований на основе новых научных концепций.

Годы Независимости подняли на новый уровень поэзию Зульфии. Поэзия поэтессы и на сей день продолжает насыщать добротой и любовью, верностью и преданностью, безупречностью и благотворением. Следовательно, "... уделение внимания литературе и искусству, культуре – означает, прежде всего, внимание нашему народу, будущему, как сказал поэт Чулпан, мы не имеем права забывать о том, что пока жива литература и культура – живет нация"<sup>46</sup> считается актуальной задачей и ее успешное свершение является главным требованием наших дней. В этом смысле, изучение феномена Зульфии и уточнение влияния традиций, созданных ею, творческой школы современной узбекской лирики считается одной из научно-теоретических задач литературоведения сегодняшнего дня.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит в реализации задач, обозначенных в постановлении Президента Республики Узбекистан УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 17 февраля 2017 года 1, УП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию АН, организация, руководство и финансирование научно-исследовательских работ» от 17 февраля 2017 года, постановления Кабинета Министров №571 "О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета" от 24 июля 2018 года и других нормативно-правовых актов.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование

---

<sup>46</sup>Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева при встрече с представителями творчества и интеллигенции Узбекистана на тему «Развитие литературы и искусства, культуры – крепкий фундамент повышения духовного мира народа» // Халк сўзи. 2017 год, 4 августа.

выполнено согласно приоритетному направлению развития науки и технологий Республики Узбекистан: «Социальное, правовое, экономическое, духовно-нравственное и культурное развитие информатизированного общества и демократического государства, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>47</sup>.** Сегодня, в эпоху развивающихся информационных технологий такие предметы, как литература, психология, философия, эстетика еще глубже и по-новому интерпретируют человеческие переживания (эмоции, чувства). В этом смысле несравнимо место поэзии, изысканно изображающего душевные переживания. Поэзия неотъемлемая часть жизни, как грань несхожего разума, словно кардиограмма, точно отмечает душевные переживания, духовно-просветительскую жизнь человека. Каждая творческая личность по-своему видит и интерпретирует жизнь. Созданные ими стихи, лирические герои трактуются соответственно шаблону времени, в котором живет он сам. Это, в свою очередь, приводит к перевосприятию возобновлений в человеческом разуме и литературных явлениях, необходимости оценивания социального разума и науки литературоведения нынешними критериями. Ибо, задачей литературоведения является научное изучение, осознание и объяснение другим суть художественного произведения. С этой точки зрения, поэтическая школа и ее традиции изучаются в качестве одной из значимых вопросов в ведущих центрах мира и высших образовательных учреждениях. В частности, в New York University Georgetown University, University of Texas (США), Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Турция), Cambridge University, Oxford University, Yale University (Англия), Institut sociálních vztahů, Univerzita Karlova (Прага) ведутся исследования по изучению сущности этих вопросов.

В мировом литературоведении ученые, которые изучали поэтическую школу и ее традиции N.Baym<sup>48</sup>, (Н.Байм), E.Showalter<sup>49</sup>, (Э.Шовлтер), V.Woolf<sup>50</sup> (В.Вульф), S.Chatman<sup>51</sup>, (С.Чатман), Cooper Lane<sup>52</sup> (Л.Купер), D.C.Freeman<sup>53</sup> (Д.С.Фриман), R.Wellek<sup>54</sup> (Р.Уэллек) создали научные работы, назначив место каждой литературной школы в развитии литературы.

В мировом литературоведении своеобразие поэтического мира находит свое отражение в ряду исследованиях по следующим направлениям:

---

<sup>47</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.uzh.ch/en.htm](http://www.uzh.ch/en.htm), [cle@snuc.ac.kr](mailto:cle@snuc.ac.kr), [www.bu.edu](http://www.bu.edu), [www.uv.es](http://www.uv.es), [www.ras.ru](http://www.ras.ru), [www.vsu.bu](http://www.vsu.bu), [www.education.ua/universities](http://www.education.ua/universities), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

<sup>48</sup>Baym N. Woman's fiction: F guide to novels by a. about women in America, 1820-1870.- Hhaga; London: Cornell unif. press, 1978. – 320 p.

<sup>49</sup>Showalter E. Women who write are women.-Nev York times book, rev., 1984. Dec.16.-P.1-31.

<sup>50</sup>Rigney B.H. A wreath upon the grave? The influence of Virginia Woolf on feminist critical theory// Criticism and critical theory.- L.: Arnold, 1984.-P. 73-82.

<sup>51</sup><http://www.scopus>. On The Theory of Literary Style. Linguistics, Vol. 4, Issue: 27, 1966, pp. 12-25.

<sup>52</sup><http://www.scopus>. Theories of Style, New York: The Macmillan Company, 1907.

<sup>53</sup>Freeman, D.C., ed. (1970) Linguistics and Literary Style. New York: Holt, Reinhart and Winston, Inc.

<sup>54</sup>Nominal and Verbal Style. In Style in Language; ed. by T. A. Sebeok. New York/London: John Wiley and Sons. pp. 1960. 213-220.



изучение мотивов, жизненно-эстетических концепций в поэзии автора; раскрытие поэтического мира автора на основе анализа определённого произведения; мастерство поэта в создании портрета и определение художественно-функционального своеобразия; обоснование принципов психологического анализа.

**Степень изученности проблемы.** В современном индивидуально-творческом мышлении новизна и оригинальность в поэтике автора остается главным условием оценки художественного произведения. В работе основывается на системную целостность – социальные, психологические и, самое главное, поэтические закономерности художественного мира Зульфийи, домыслы о предметных свойствах, имеющих отношения особых причин и последствий. Понятие художественного мира в широком смысле охватывает не только происшедшее, изображающее посредством лирического героя и чувств (видеть, слышать, образность и др.), связанных с его мировоззрением, но и типы воображаемой логики и эмоциональности, способствующие мышлению творческой личности. Следовательно, не только текст – строки слов произведения, но и концепция автора на темы жизнь, смерть, любовь и другие литературные проблемы ждут своего литературного толкования.

Выражение чувств, считающееся источником лирического переживания, взаимное соотношение – понятие художественного мира в воображении читателя между автором и лирическим субъектом изучено в качестве объекта отдельного исследования в научных работах<sup>55</sup> последователей В.Гумбольдта, в особенности, А.Потебни, А.Н.Соколова, Г.Н.Поспелова, О.Уоррена, Р.Уэллека. Сопоставляя художественное произведение целому слову, А.Потебня предъявил, что содержание образа создается за счет плана выражения и плана содержания (составное содержание), также обосновал, что дозволительно интерпретировать один образ по-разному, что показывает многосмысленность произведения. В свою очередь, в 1978 году американская ученая Нина Бейм издала книгу под названием «Женская литература»<sup>56</sup>. В ней исследованы произведения женщин поэтесс и писательниц, которые были известны в середине XX века, но позднее их имена утратили свою актуальность. Это были Кэтрин-Мария Седжвик, Сара Хейл, А.Дж. Грейвс, Мария Макинтош, Эмма Саутуорт и Каролина Ли Хенц, Мари Каминс и Мариам Коулс Харрис. Делая анализ произведений вышеуказанных лиц, Нина Бейм создала своеобразные типологические свойства «женских романов». Исследования в сфере «Женской литературы» привели к появлению терминологического понятия «Женское литературоведение». Данный предмет еще в процессе развития. Женщиной, которая внесла достойный вклад в «Женское литературоведение», считается английская писательница Вирджиния

---

<sup>55</sup>Потебня.А.А. Теоретическая поэтика. – Москва: 1990.,Соколов.А.Н. Теория стиля. – Москва: 1968., ПоспеловГ.Н. Вопросы методологии и поэтики. – Москва: 2003., Уоррен О., Уэллек Р. Теория литературы. – Москва: Прогресс, 1987.

<sup>56</sup>Baym N. Woman's fiction: F guide to novels by a. about women in America, 1820-1870.- Nhaga; London: Cornell unif. press, 1978. – 320 p.

Вульф<sup>57</sup>. Также, женщиной, которая создала поэтическую школу в узбекской литературе, следует назвать поэтессу Зулфия.

